

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 91 (347), 2021 йил 6 май, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар кулами ва сифатини ошириш юзасидан билдирилган таклифларни инобатга олиб:

1. Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “тиббиёт бригадалари” фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса яна қўшимча 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев): Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари эҳтиёждан келиб чиқиб, уларнинг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, 2021 йил 1 августга қадар ўрта тиббиёт ходимлари мақомини ошириш нуктаи назаридан уларнинг малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослиги йўналишларини кенгайтириш, лавозимларини, шунингдек, ўқув дастурлари ва режаларини тўлиқ қайта қўриб чиққан ҳолда, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда уни 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ жорий қилсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг эҳтиёж мавжуд бўлган оғир шароитли туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари лавозимларига республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари, олий тиббиёт таълим муассасалари, улар ҳузуридаги клиникаларнинг малакали раҳбар ходимлари ва мутахассисларини шартнома асосида муайян муддатга жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу раҳбар ходимлар ва мутахассисларга асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини сақлаган ҳолда, улар жалб қилинган тиббиёт бирлашмаси раҳбари лавозимидаги ойлик иш ҳақини тўлиқ тўлаб берилишини, ушбу харажатлар ҳамда уларнинг уй-жой ижараси тўловларини Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қўллаб берилишини таъминласин.

3. Белгиланган қўйилсинки: марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг Давлат бюджетидан молиялаштирилган амалдаги қойкалар фонднинг 10 фоизи 2022 йил 1 январдан бошлаб, яна қўшимча 10 фоизи 2023 йил 1 январдан бошлаб тўлов асосида тиббий хизматлар кўрсатишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланадиган қойкалар фондига ўтказилади;

бундан бўшайдиган Давлат бюджети маблағлари туман (шаҳар) шифохоналарининг дори воситалари, реактивлар ва тиббиёт ускуналари таъминотини яхшилашга ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларида қўшимча қойка фондидан ташкил этишга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар 2022 йил учун, 2022 йил 1 октябрга қадар эса 2023 йил учун ҳар бир туман (шаҳар) шифохоналари кесимида бўшайдиган маблағлар ҳажминини ва уларни ишлатиш йўналишларини белгилаб берсин.

4. 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик иши ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилсин.

Ҳамширалик иши фаолиятини амалга оширишга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ўрнатилган тартиб билан бир қаторда қуйидаги талаблар белгилансин:

ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошириши;

тиббий муолажалар мазкур Фармоннинг 1-банди тўртинчи хатбошига мувофиқ ўрта тиббиёт ходимлари мақомини оширишдан келиб чиқиб бажарилиши;

ҳамширалик иши фаолияти билан шугулланаётган шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориши.

▶ Давоми 2-бетда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТАРИХИЙ ЯНГИЛАНИШ: ҲАР ЙИЛИ МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОҒИРИ ЕНГИЛ БЎЛАДИ

Абдулазиз ҲАЙДАРОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси ижрочи директори



Сир эмас, узоқ йиллардан буён юртдошларимиз пенсияга чиқишда кўп сарсонгарчиликларга учраб келади. Бунинг машаққатини кекса авлод вакиллари яхши билади. Улардан пенсияга қандай чиққанини сўрасангиз, шундай жавоб бериши тайин: “Азоб бўлган!”.

Ўзимиз ҳам яхши биламиз, пенсияга чиқиш учун фуқаро меҳнат фаолияти давомида нечта ташкилотда ишлаган бўлса, ҳаммасидан қанча муддат ишлагани, қанча маош олгани тўғрисида маълумотнома йиғиши керак бўларди. Та-саввур қилинг, сиз, масалан, 30 йилда 10 дан зиёд ташкилотда ишладингиз. Энди пенсияга чиқишингиз керак. Демак, югур-югур вақти келди. Бу пайтда айрим ташкилотлар “ёпилиб” кетган бўлиши ҳам мумкин. Бу ёни энди суд орқали ҳал бўлади.

Умуман, бугунги кунга пенсия ёшига етган фуқароларимиз 14 та ташкилотдан 30 турдаги ҳужжат йиғиб келиши талаб этиларди. Ушбу ҳужжатларни йиғиш учун камда икки ой вақт кетган. Қанча вақт, қанча сарсонгарчилик, асабузарлик...

ТАРИХИЙ ЯНГИЛАНИШ — ЯНГИ ТИЗИМ

Давлатимиз раҳбари мудом фуқароларга қулайлик яратиш ҳақида қайғуриб келади. Бу

▶ Давоми 2-бетда

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА



Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятида “Хотира бор экан — миллат барҳаёт”, “Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч” шиори остида меҳр-мурувват, саховат тадбирлари кўтаринкилик, уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида минглаб фарғоналиклар мардонавор жанг қилди. Уларнинг кўплари уруш майдонларида қолиб кетди.

— Бу йил 96 ёшни қарши олдим. Кўзларимдан нур, оёқларимдан мадор кетган бўлса ҳам, ҳаётга, яшашга иштиёқим баланд, — дейди Бувайда тумани Янгиқўрган шаҳарчасида умргузаронлик қилаётган Кенжабой ота Эгамқулов. — Урушда икки акам ҳам қатнашиб, шўқри, эсон-омон қайтиб келган. Узим Смоленск, Сталинград, Москва остоналарида кечган жангларда иштирок

этим. 1944 йилда яраланиб, юртга қайтдим. Президентимизнинг ташаббуси билан кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликлардан чексиз миннатдорман. Ҳар биримизга 12 миллион сўмдан пул мукофоти ва бошқа қимматбахо совғалар бериляпти, соғлигимиз малакали тиббиёт ходимлари назоратида бўлиб тургани умримизга умр қўшмоқда. Бу кунларга шўқроналар айтаман.

Байрам муносабати билан вилоятда Иккинчи жаҳон урушининг 45 нафар қатнашчиси, ногиронлари ва фронт орти фахрийлари

йўқланди. Уларнинг ҳар бирига вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров томонидан Президент табриги ўқиб эшиттирилди, 12 миллион сўмдан пул мукофоти ва қимматбахо совғалар тантанали топширилди.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам яшай олмайди. Бу улғувор ишлар истиқбол туфайли янада бардавом бўлиб бормоқда. Чунки хотира муқаддас, қадр абадий.

Расулжон КАМОЛОВ,
журналист

ОБОД ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИ

УНДА ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА
ЭЗГУ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ МУЖАССАМ



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва
спорт масалалари қўмитаси
раиси

Шу кунларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизнинг шундоқ биқинида, Тошкент вилоятининг Қибрай туманида

Қўчат экиб, боғ яратиш халқимизга хос азалий қадриятлардан. Зеро, ўзинг яшаб турган жойни обод қилиш кўнгилни обод қилади, турмуш фаровон ва файзли бўлади. Асрлар оша яшаб келаётган ушбу эзгу анъана бугун янги-янги маъно-мазмун касб этгандани юртдошларимиз қалбида яратувчилик ва бунёдкорлик туйғуларини янада кучайтирмоқда. Бунинг натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз тобора чирой очиб, замонавий иншоотлар қатори сўлим ва ҳушманзара истироҳат боғлари қўлаймоқда.



янги Ўзбекистонга муносиб боғ барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Бундай “яшил ҳудудлар” сўнгги йилларда ҳар томонлама

юксалишга юз бурган Тошкент шаҳри учун, айниқса, муҳим.

▶ Давоми 3-бетда

АҲОЛИ БАНДЛИГИ




Илҳом АБРОРОВ,
Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги
ҳудудларда аҳоли
бандлигини таъминлаш
ва камбағалликни
қисқартириш бўйича
мониторинг олиб бориш
бошқармаси бошлиғи

ЎЗГАРИШЛАР ШАМОЛИ КИРИБ БОРМАГАН ХОНАДОН ҚОЛМАЙДИ

Бугун камбағаллик даражасини аниқлаш ва уни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга мухтож оилаларни белгилаш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсад ва вазифаларидан бирига айланди. Бу ишлар кўр-кўрона, рақам ва қоғозбозлик учун эмас, балки уйма-уй, маҳаллама-маҳалла юриб, ҳар бир фуқаронинг дардига қулоқ тутган ҳолда амалга оширилаётгани ўз натижасини берапти.



▶ Давоми 4-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ- ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ўрта тиббиёт ходимлари томонидан ўзини ўзи банд қилган ҳолда ҳамширалик иши фаолиятини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб **клиник ординатура** мутахассисликлари бўйича қабул квотасини **икки бараварга** оширсин.

Бунда, куйидагиларни назарда тутувчи **клиник ординатурада ўқитишнинг янги тизими** жорий этилсин:

а) **клиник ординатура ўқув даврининг** **иккинчи йили** ҳудудлардаги ихтисослашган тиббиёт марказлари филиалларида, вилоят ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика шохлиқ тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилди, шунингдек, маълум бир қисми иш жойида давом эттирилди;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан:

худудга зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда **грант ажратилди** ҳамда мазкур **грант асосида** таълим олган битирувчиларга **тегишли худудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилди**;

худудга фаолият юритиш учун юборилган тор мутахассисликдаги шифокорларнинг яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

6. 2021 йил 1 июндан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотларида куйидаги **фаолият турлари билан шугулланишга рухсат берилсин**:

махсус автотранспорт воситасида ташкил этилганда **“мобил тиббиёт” хизмати ёрдамида** жойига чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг **ўрта тиббиёт ходимларидан** иборат **“тиббий пункт”ларни** ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни амалиётга тулиқ жорий этиш мақсадида нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун зарур шароитлар яратсин, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бурсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 ноябрга қадар** бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ордер бериш тизимини ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жорий этсин. Бунда:

эҳтиёжманд оилаларни **“Ижтимоий ҳимоя ағона реестри”** ахборот тизими-га муроғат аниқланган;

имтиёзли тоифадаги шахслар учун Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхати, тиббий хизматлар ҳажми ва тиббиёт муассасасининг даражаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилансин;

имтиёзли тоифадаги шахсларга давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат-

лар ҳажми, тури ва касалликлар рўйхатидан ташқари кўрсатилган тиббий ва бошқа ёрдамлар кўшимча ҳисоблангани ҳамда улар томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланиши назарда тутилсин.

Молия вазирлиги республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида бепул даволанишга ордерлар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирлари учун бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигига кўшимча **80 миллиард сўм** маблағ ажратсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги-да **Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш** жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғармани молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетни маблағлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан Жамғармага йўналтирилган ажратмалар;

халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари;

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўровига асосан 2021 йилда Жамғармага **50 миллиард сўмгача** миқдорда маблағ ажратсин, 2022 йилдан бошлаб эса зарур маблағларни Давлат бюджетни параметрларида кўзда туტсин.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари таркиби 1-иловага муроғат тасдиқланган Ишчи гуруҳининг қарорига асосан ҳудудий тиббиёт муассасаларига хориждан ишга жалб қилинадиган малакали мутахассислар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган иқтидорли мутахассисларга **зарур шарт-шароитлар** яратиш, шу жумладан, уларни **моддий рағбатлантириш** тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий тиббиёт муассасаларига хориждан ишга жалб қилинадиган малакали мутахассисларни **тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан** яшаш жойи билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда — Палата) **2021 йил 1 июндан** унга Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика марказини қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилсин ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки: Палата Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика марказининг мақсадида қўрилган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика марказининг маблағлари, мулк,

шумладан, бино ва иншоотлари, автотранспорт воситалари, ускуна, техника ва инвентарлари Палатага ўтказилди;

Палата раҳбарига, зарур ҳолларда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шартнома асосида мутахассислар жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

Палата ва унинг ҳудудий бўлиналари Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан сақланадиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 110 та этиб белгилансин.

10. Палатага куйидаги **қўшимча ва-зифалар юклатилсин**:

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириш боғлиқ тартиб-тартиқларни таъминлаш;

аттестациядан ўтказиш ва малака тоифалари бериш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали унинг шаффоғлигини таъминлаш.

11. Соғлиқни сақлаш тизимида **олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага муроғат тасдиқлансин.**

12. 2021 йил 1 июндан бошлаб **тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган хорижий ташкилотлар рўйхати** 3-иловага муроғат тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур иловада кўрсатилган ташкилотларнинг талабларига асосан сертифициланган тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказишда **лаборатория синоларидан ўтказилмайдиган** ҳамда ўрнатилган тартибда **ун беш иш кунидан** кечиктирмай рўйхатдан ўтказилсин.

Давлат божхона қўмитаси (М.Б.Азимов) фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Устандарт” агентлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўнғинчи манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини ортқиқа **тўсиқларга йўл қўймасдан республика ҳудудида олиб кириш устидан доимий назорат ўрнатсин.**

13. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармоннинг **3 ва 7-бандлари 26 та** туман (шаҳар)ларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирлашчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига муроғат янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган

ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармонида, **Сирдарё вилоятида эса** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сон қароридан **белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда қўлланилиши мумкин.**

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага муроғат қўлдан келтирилсин ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатлари 5-иловага муроғат қўлдан келтирилсин ва қўшимчалар киритилсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров ҳамда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А.Азизов “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимлари ағона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш, зарур бўлганда, қўнунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва киритиш, шунингдек, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш аҳоли ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш юзасидан бевосита масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.**

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А.Мусаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев, соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш.Иноятов, У.Ю.Собиров, Э.И.Баситханова, А.А.Азизов, А.В.Алимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

19. Ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва натижалли ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2021 йил 5 май

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТАРИХИЙ ЯНГИЛАНИШ: ҲАР ЙИЛИ МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОФИРИ ЕНГИЛ БЎЛАДИ

Бошланғич 1-бетда

Аваллари ёши улғу кишиларни почта шохобчалари олдида, тик оёқда, узок навбат кутиб турганини кўрадди. “Қачон пенсия келар экан”, деб сарсон кутарди. Пенсия келган қуни пул ҳаммага етмай қолган ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Уч-тўрт йил бўлди, бу манзарага барҳам берилди. Ҳозир банк ходимлари пенсияни ўз вақтида маҳалла идорасига, ҳатто ёши улғу инсонларнинг уйига олиб бориб беради.

Этибор берган бўлсангиз, ҳар битта тизим замон талаблари асосида, энг муҳими, ҳалқимиз манфаатлари кўзланган ҳолда такомиллаштириб боришмоқда. Янги инновацион ғоялар татбиқ этилди. Пенсия тизимида ҳам шундай бўлди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқароларимиз фақат паспорт билан пенсияни расмийлаштириши мумкин бўлган замонавий тизим яратиш ғоясини илгари сурган эди.

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУҶЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

Эндиликда, 2022 йилдан фақат паспорт ёки идентификация картаси асосида пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш тизими жорий этилди. Бунга эришиш учун вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинади, электрон ахборот алмашинув тизими жорий этилади.

Янги тартибга кўра, 2022 йил 1 июндан бошлаб меҳнат стажи, иш ҳақи, олиғиоҳда ўқигани ва ҳарбий хизмат даври маълумотлари Пенсия жамғармасининг дастурий таъминоти билан боғланган ҳолда “Ягона меҳнат миллий тизими” орқали электрон тарзда олинади. Ҳозирда ушбу тизимда турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг 4,8 миллион ишчиси иш ҳақи ва иш стажига оид маълумотлар шакллантирилган.

Давлат пенсияларини тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-кارتаси талаб этилади. Келгусида фуқароларга пенсия бўлимларига келмасдан, уларнинг электрон мурожаатлари асосида пенсия тайинлаш имконияти яратилади.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда аҳолига пенсия ва нафақалар Халқ банки филиаллари томонидан етказиб беришмоқда ва бунинг учун 0,9 фоиз хизмат ҳақи олинмоқда. 2020 йилда жами 35,4 триллион сўмлик пенсия ва нафақа тўловларининг 28,1 триллион сўми ёки 79 фоизи нақд пул кўринишида ажратилган. Халқ банкига мазкур тўловларни нақд пулда тарқатиш хизматлари учун 2020 йилда 223,6 миллиард сўмлик хизмат ҳақи тўланган.

2022 йил 1 январдан бошлаб бу жараёни янада такомиллаштириш мақсадида пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни аҳолига етказиб бериш ҳар 3 йилда бир марта ҳудудларда алоҳида тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот томонидан амалга оширилади. Бунда банклар ва ихтисослашган ташкилотларнинг маълумотлар базаси Пенсия жамғармасининг

дастурий таъминоти билан боғланади. Тендер натижаларига кўра, танлаб олинган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот томонидан фуқароларга пенсия ва нафақаларни етказишда кечикиш ёки тартиб бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганда жарима тўлаш тартиби жорий этилади. Шунингдек, фуқаролар томонидан тўлов операторларининг фаолиятини баҳолаб бориш имконияти яратилмоқда. Фуқароларимиз берган баҳо кейинги тендер ўтказишда инобатга олинади.

Қарор асосида фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича 31 банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланади. Унга кўра, вазирлик, идора ва корхоналарда ишлаган софит ишчиларнинг иш ҳақи ва ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги маълумотлари “Ягона меҳнат миллий тизими”да тулиқ шакллантирилади. Оила таркиби, жумладан, қариндошлик даражаси бўйича электрон маълумотлар базаси шакллантирилади. 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар тўғрисида тиббий хулосалар электрон базаси яратилади. Чет элга доимий яшаш учун кўчиб кетаётган фуқароларнинг электрон маълумотларини “Пенсия” ахборот тизимида автоматик юбориш механизми жорий этилади.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Янги тизим, албатта, янги ҳақда ишлашни талаб қилади. Шу маънода, мазкур қарор билан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш ҳам кўзда тутилган.

Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкилий тузилмаси қайта тасдиқланди. Марказлаштирилган бухгалтерия тизими жорий этилади ва жамғарманин тўлиқ ташкилий аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи шўъбалари фаолияти тугатилади.

Жамғарма таркибида пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни молиялаштириш бўлимлари ташкил этилади. Ички аудит хизматлари ва юридик бюро фаолияти йўлга қўйилади.

Қарорда Пенсия жамғармасининг мавжуд биналари негизда кекса ёшдагилар, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган “Намунали Пенсия жамғармаси бўлими”ни ташкил этиш белгиланган. Бундан ташқари, 2024 йилга қадар барча ҳудудларда Пенсия жамғармаси бўлимлари биналари босқичма-босқич минимал талабларга мослаштирилади.

Маълумотларга кўра, юртимизда ҳар йили ўртача 290 минг фуқарога пенсия тайинланади. Демак, жорий этилаётган янги тизим ҳар йили миңглаб юртдошларимизнинг офирини енгил қилади, ортқиқа оворагарчиликларнинг олди олинади.

“Дунё” АА
Санкт-Петербург

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган каттақўрғонлик юртдошимизнинг хоки Санкт-Петербургдан Ўзбекистонга олиб келинди

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ҳалок бўлган Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманилик Бобораҳим Абдуллаевнинг хоки ва шахсий буюмлари қариндошларига топширилди.

Ҳар бир халқнинг миллий-маънавий қадриятлари бор. Бугунги ёруғ кунларга етиб келишимизга ҳаётини тиккан, Иккинчи жаҳон уруши фронтларида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига ҳоз эзгу амаллардан биридир.

Оқар сувдек шиддат билан ўтиб бораётган йиллар бизни Иккинчи жаҳон урушидан ўзлаштирмоқда. Янги авлодлар ўсиб, улғаймоқда. Лекин урушнинг сўз билан ифодадалаб бўлмайдиган жароҳатлари ҳамон қалбларда яшамоқда.

76 йил бир инсон умри билан тенг. Бобораҳим Абдуллаевнинг яқинлари маъна етмиш опти йилдики, у ҳақидаги маълумотдан умидвор. Бобораҳим Абдуллаев жангга кетиб, уйга қайтмаган. Ота-онасини унинг қайтишига умид қила-қила, бу дунёни тарк этган. Яқинлари унинг хоки қўйилган жойни аниқлашдан ҳалигача умидини узмаган.

Бугун мард жанчи яқинларининг

кемтик қалбларига оз бўлса-да ёруғлик инмоқда, десак хато бўлмайдими. Мамлакатимизнинг Санкт-Петербургдаги Бош консулхонасидан хабар беришларича, Иккинчи жаҳон урушида Ленинград шаҳри ҳимояси вақтида ҳалок бўлган аскарлар шахсини аниқлаштириш жараёнида Бобораҳим Абдуллаевнинг ҳам хоки ва шахсий буюмлари топилган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистондан Иккинчи жаҳон урушига отланган икки миллионга яқин юртдошларимиздан қарий етти юз мингга оиласи бағрига қайтмади. Қанчадан-қанча ўзбек оналари фарзанди ҳалок бўлганига ишонмай, умрининг охиригача жигарбандининг йўлини пойдлади.

Албатта, бу ҳақда гапириш осон эмас. Салкам бир миллионга яқин ўзбекистонликнинг умрига зомин бўлган урушнинг келтириб чиқарган оқибатларини таҳлил қилиш, уруш фронтларидан қайтмаган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Турли ташки-



лотлар, кўнгилчилар томонидан изланиш ва ўрганишлар олиб боришмоқда, номаълум аскарлар шахсига аниқлик киритилмоқда. Ушбу хайрли ишлар жараёнида урушда ҳалок бўлган ўзбек аскарлари хоки қўйилган жойлар ҳақида ҳам хабарлар келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистоннинг Санкт-Петербургдаги Бош консулхонаси умумий йўналишда Россиядаги тегишли архивлар ҳамда номаълум аскарлар номини абадийлаштириш билан шугулланадиган отрядлар билан ҳамкорлик қиляпти.

Яқинда Санкт-Петербургдаги “Пулковец” ёшлар уйи Бош консулхонага “Линия фронта” кидирув отряди Иккинчи жаҳон уруши жангларида ҳалок бўлган юртдошимиз Бобораҳим Абдуллаевнинг хоки ва шахсий буюмлари топилганини маълум қилди.

Россия вакиллари юртдошимизнинг қариндошларини топишда кўмак сўради. Олиб бориладиган натижада марҳум аскарнинг яқин қариндошлари аниқланди.

Ўзбек аскарлари жасоратига ҳурмат белгиси ва қариндошларининг Б.Абдуллаевнинг ўз ватанида дафн этиш истагидан келиб чиқиб, Санкт-Петербургдаги “Пулковец” ёшлар уйида аскарнинг хоки ва шахсий буюмларини мамлакатимиз Бош консулхонаси вакилларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Санкт-Петербург шаҳар маъмурияти вакиллари, ҳарбийлар, “Линия фронта” кидирув отряди фаоллари ҳамда ушбу шаҳарда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирок этди.

“Линия фронта” кидирув отряди командири А.Куликовскининг сўзларига кўра, Б.Абдуллаев хоки ва шахсий буюмлари 2020 йил октябрь ойида отряд томонидан Кировск тумани Молодцово қишлоғи яқинида олиб бориладиган кидирув ишлари пайтида топилган.

Санкт-Петербург шаҳар Ташқи алоқалар кўмитаси бошқарма бошлиғи Е.Касюра шаҳардаги Покровский қабристонидан 7 минг ўзбекистонлик аскар дафн этилган, ўзбек ўғлонлари шарофига бу

ерда ёдгорлик лавҳи ўрнатилганини таъкидлади.

Ўз навбатида, Бош консулхона томонидан “Пулковец” ёшлар уйи, “Линия фронта” кидирув отряди ва Санкт-Петербург шаҳри вакилларига ўзбек аскарининг номи аниқлаш ва унинг хокини Ватанга қайтаришдаги кўмак учун миннатдорлик билдирилди.

Марҳум аскар Бобораҳим Абдуллаевнинг хоки ва шахсий буюмлари “Санкт-Петербург — Тошкент” авиарейси билан юртига етказилди.

Она Ватанига келтирилган ўзбек аскарининг хоки Марказий ҳарбий округ ва Каттақўрғон тумани ҳокимлиги вакиллари, фахрийлар, ёшлар ва марҳумнинг яқинлари иштирокида у туғилиб ўсган “Энам яши” қ

ОБОД ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИ

УНДА ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДҚОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ЭЗГУ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ МУЖАССАМ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз куни кеча ушбу ҳудудга ташриф буюрди. Шу муносабат билан бу ерга парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкент шаҳар жамоатчилиги, нурунийлар, илм-фан, маданият ва спорт намояндалари, ёшлар йиғилди. Боққа илк кўчатлар экилди.

104 гектарлик янги боғ нафақат манзараси, ландшафти, балки мазмуни билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Боғнинг умумий кўриниши худди улкан даракнинг бешта шохини эслатадики, бу Ҳаракатлар стратегиясининг беш устувор йўналишини ифодалайди. Шунга монанд боғ бошқа боғлардан тубдан фарқ қилади, зеро, бу ерни юксак маданият ва маънавият масканига айлантириш мақсад қилинган.

Бу ерда одамлар учун табиат қўнида мириқиб дам оладиган сўлим ҳудудлар яратилади. Қаштан, эман, чинор, лола, липа боғлари барпо этилиб, дунёнинг турли бурчақларидан келтирилган наоёб манзарали дараклар, буталар, гуллар экилади. Сунъий қўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, фавворалар қурилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган Истиқлол мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади.

Президентимиз ушбу мажмуанинг тарихий-ғоявий аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

— Бу йил миллий истиқлолимизнинг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Аслида, бизнинг давлатчилигимиз 3 минг йиллик тарихга эга. Боғ ана шундай буюқ тарихимизни намоён этадиган ўзига хос мажмуа бўлади. Бу ерга ташриф буюрувчилар, айниқса, ёшларимиз ва хорижлик меҳмонлар ана шу улғуворликни ҳис этади, руҳий қувват олади, — деди давлатимиз раҳбари.

Боғ Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, улкан салоҳиятини, кўпмиллатли халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлигини акс эттирадиган мажмуа бўлиши зарурлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари бу мухташам боғни “Янги Ўзбекистон” деб аташни таклиф қилди.

Бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, кенг қўламли қурилиш-ободлаштириш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Бу манзараларни қуриб, кўз унгимизда бой тарихимиз гавдаланади. Буюқ Соҳибқирон Амир



Темур даврида ҳам машҳур боғлар яратилган, уларнинг ҳар бири ўзига хос ва бетакрор номлар билан аталган: “Боғи баланд”, “Боғи беҳишт”, “Боғи давлатобод”, “Боғи дилқушо”, “Боғи майдон”, “Боғи нав”, “Боғи чинор”, “Боғи шамол”. Қаранг, боғларнинг номланишиёқ кўнгилда ажиб туйғулар пайдо қилади, ҳаётга қизиқишни оширади, яратувчанликка ундайди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай тарихий қадриятларимизга ҳамоҳанглиги билан қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдирди.

Президентимиз қўллари билан илк ниҳоли ўтказилган “Янги Ўзбекистон”

боғи юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар билан гавжум бўлиши, жажжи болажонларнинг шодон қийқиригу қулгуларига тўлиши, ёшлар, отахону онахонлар дам олиб, маданий ҳордиқ чиқарадиган сеvimли гўшага айланганишга шубҳа йўқ. Ушбу сўлим масканда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш яратилган қулайликлардан ҳам барча бирдек баҳраманд бўлади.

Халқимиз манфаати йўлида амалга оширилаётган бундай олижаноб ва эзгу ишлар юртимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

МУНОСАБАТ

ТАЛАБНИ ЎРГАНИБ, ИМПОРТНИ ТАҲДИЛ ҚИЛИШ

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Бахтиёр БОБОҚУЛОВ, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раиси ўринбосари

Бугунги кунда энергия-тежамкор қурилиш материаллар ишлаб чиқариш, инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда 13 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, улар томонидан тайёрланаётган материаллар сони 180 тадан ошди.



Валюта бозорининг либераллашгани, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик кенгайиб, маҳаллий ва хорижий инвесторларга кенг йўл очилгани, банк сектори ривожланиб, имтиёзли кредитлар кўпайганлиги сабабли қурилиш материаллари соҳасида ҳам ўтган беш йилда катта силжишлар рўй берди. Хусусан, 2016 йилдан 2021 йилгача 7 минг 385 та инвестиция лойиҳаси бўйича 5 миллиард 386 миллион доллар ўзлаштирилди. Шунингдек, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ҳам 2016 йилга қараганда 70 тага, корхоналар сони 12 ярим минггага кўпайди.

Улар томонидан керамик плитка, гипсокартон, шифер, цемент, оҳак, базальт арматура-си, темир-бетон маҳсулотлари, безакли ойна, девороб ва норузда материаллар каби асосий турдаги қурилиш материаллари бўйича ички талабни тўлиқ қоплаш ва экспортга ушбу маҳсулотларни сотиш имконига эга бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Эътиборлиси, кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича қўллаб-қўллаш амалга оширилди. Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергиятежамкор, инно-

мухокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишларни “ички талабни ўрганиш – импортни таҳлил қилиш – ресурс базасини аниқлаш – янги лойиҳалар ишлаб чиқиш” занжири асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 24 та тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш таклифини қўллаб-қувватлади. Бу ҳудудлардаги мавжуд хомашё ва йирик заводлар инфратузилмасидан фойдаланиб, уларга яқин жойда янги корхоналар ташкил этишга эътибор қаратилади. Инфратузилмани яхшилаш учун бюджетдан қўшимча 400 миллиард сўм, геология ишларини амалга оширишга 100 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Айни пайтда қурилиш материаллари тармоғида умумий қиймати 5 миллиард долларлик миндан зиёд янги лойиҳалар шакллантирилган. Бу орқали 25 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш мумкин бўлади. Жорий йилда тасдиқланган Инвестиция дастурига асосан, соҳада умумий қиймати 3 миллиард 829,1 миллион доллар бўлган 175 та йирик истиқболли лойиҳани ўзлаштириш белгиланган. Бундан ташқари, ҳудудларни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ҳам инвестиция лойиҳалари амалга ошириш кўзда тутилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ушбу соҳадаги лойиҳалар учун 300 миллион долларлик кредит линияси очилди, банк филиалларидаги консалтинг марказлари орқали тадбиркорларга амалий ёрдам бериш таклифи билдирилган эди. Президентимиз йиғилишида бунга қўшимча, мазкур банк орқали давлат



2016 йилда РЕСПУБЛИКАДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 6 831,1 МИЛЛАРД СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, 2020 ЙИЛ ОХИРИГА КЕЛИБ, УШБУ КЎРСАТКИЧ 22 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ. ЯЎНИ СОҲАДАГИ ЎСИШ СУРЪАТИ 2 ЯРИМ БАРОБАРГА ОРТДИ.


вацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳисобига таннархни пасайтиришга қаратилган йўналишлар аниқ белгилаб олинди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2016 йилда республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 6 831,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил охирига келиб, ушбу кўрсаткич 22 триллион сўмга етди. Яъни соҳадаги ўсиш суръати 2 ярим баробарга ортди. Жумладан, 2020 йил мобайнида 12,5 миллион тонна цемент (ўсиш 1,7 баробар), 56,5 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси (7 баробар), 18 миллион квадрат метр керамик плиткалар (124 баробар), 650 минг дона сантехник буюмлари (5,2 баробар) ишлаб чиқарилди.

Корхоналарда “рақамли технологиялар”ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавfli жараёнларда автоматизация даражаси ошириб бориляпти. Қурилиш материаллари соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, бунга хорижий инвесторларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида экспорт ҳажми 2016 йилда 55,3 миллион доллар бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, 200 миллион долларни ташкил этди.

Юртимизда қўллаб-қўллаб уй-жойлар, завод ва корхоналар, иқтимоий объектлар бунёд этилаётган қурилиш материаллари, турдош маҳаллий санаят маҳсулотларига талабни оширмоқда. Шу боис, Президентимиз раислигида жорий йилнинг 30 апрель куни ҳудудларда маҳаллий санаятни ривожлантириш чора-тадбирлари

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Сув келтирган элда азиз



Худойберди КАРИМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, республикада аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадига амалга оширилган ишлар натижасида 2020 йилда 1 миллион 200 минг нафардан зиёд юртдошимиз яшайдиган ҳудудга илк бор тоза сув етиб келди. Бошқача айтганда, бу кўрсаткич 70,8 фоиздан 73 фоизга кўтарилди.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи Жиззах вилоятида ҳам кенг қўламада олиб борилмоқда. Бундан икки йил аввал республика инвестиция дастури асосида вилоятнинг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматини яхшилаш мақсадига марказлашган ҳолда 39,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада воҳанинг 5 та объектида, жумладан, Зомин, Фориш ва Зарбдор туманларида ичимлик сув тизимини реконструкция қилиш, янги объектларни барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар сабаб мазкур ҳудудлардаги 27 минг нафардан зиёд аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланишини яхшилаш учун шарт-шароит яратилди.

Бундан уч йил аввал, аниқроғи, 2018 йилнинг 4 майида давлатимиз раҳбарининг “Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатда мамлакатимиз ҳудудларини марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олишни кўпайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, аммо шунга қарамастан, кўплаб ҳудудларда, жумладан, Жиззах вилоятининг аҳоли пунктларида мазкур масала жиддий



эътиборга муҳтож бўлиб қолаётгани қайд қилиб ўтилди.

Мутахассислар фикрига кўра, Жиззах вилоятидаги сув иншоотларининг аксарияти ўтган асрнинг 70-80 йилларида қурилган бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган. Чунончи, Жиззах шаҳри ва 70 га яқин қишлоқдаги 1 минг 850 километрдан зиёдроқ ичимлик сув тармоқларининг 70 фоизи реконструкцияга муҳтож.

Бунинг устига, мазкур объектларда зарарсизлантирувчи ускуналарнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ичимлик сувининг кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлар бўйича ифлосланиши юқори даражага кўтарилган.

Давлатимиз раҳбарининг айнан ана шу муаммоларни ҳал этиш мақсадига қабул қилинган қарори билан “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш” лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Мазкур лойиҳа доирасида қуввати бир кеча кундузда 100 минг куб метр бўлган битта кўтарма насос станцияси, “Узунбулоқ” сув тозалаш иншооти, “Жиззах” сув тақсимлаш иншооти ва умумий узунлиги 183 километр бўлган магистрал ичимлик сув тармоғи қурилиши кўзда тутилди. Объектни қуриш ва фойдаланишга топшириш учун 579 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Энг асосийси, Жиззах шаҳри, Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманларида яшаётган 800 минг нафарга яқин фуқаронинг Зарафшон дарёси сувидан баҳраманд бўлишлари учун имконият эшиклари очила бошланди.

— Мазкур лойиҳани амалга оширишда буюртмачи “Сув таъминоти ва оқова сув объекти” қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонасининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бўлиб, бош пудратчи —

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидати “Махсус механизациялашган йўл станцияси” корхонасидир, — дейди “Жиззахсувтаъминоти” МЧЖ раҳбари Зокир Мамарасулов. — Шунингдек, лойиҳанинг йирик қўлами ҳисобга олиниб, “Обихаёт инжиниринг” МЧЖ ҳам пудратчилар қаторига киритилган. Қурилиш-монтаж ишлари 2022 йилда якунланиши кутилаётган иншоотдан оқилана ва унумли фойдаланиш эса айнан бизнинг корхонамиз зиммасига юклатилган.

Мана, қарийб уч йилдан буён мазкур лойиҳага биноан, Зарафшон дарёсининг Самарқанд вилояти Булунгур тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган нуқтасидан Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманигача ичимлик сув тармоғини барпо этиш ишлари давом этмоқда. Бугун ушбу йирик иншоотда бажарилаётган ишларга 270 нафар ишчи ва муҳандис-техник ходим, 70 га яқин махсус техника воситалари жалб этилгани ҳам иншоотни барпо этиш ишларига катта эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

— Ушбу объектда 2018-2020 йиллар мобайнида умумий қиймати 311 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 85 километрга яқин магистрал сув тармоқлари қуриб битказилди, — дейди лойиҳа бюртмачи ташкилотининг раҳбари Мирамат Каратаев. — Биринчи ва асосий кўтарма насос станцияси биноси қурилиши якунланди. Сув қабул қилиш иншоотига ўрнатилган 5 та юқори қувватли сув насосларини синаш ишлари олиб борилмоқда. “Узунбулоқ” сув тозалаш иншоотида обихаёт тиндиргич, хлорлаш, таҳлил ва филтёрлаш станцияси, бошқа ёрдамчи биноларда ҳам бунёдкорлик ишлари якунланиб, технологик ускуна ва жиҳозлар ўрнатилляпти.

“Жиззах” сув тақсимлаш иншоотида эса ёрдамчи бинолар қурилиши якунланиб, 5000 куб метр сифимли 2 та сув сақлаш иншооти қад ростляпти. Бажарилаётган бу ишлар ҳудудларни кўккаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳамоҳанг давом этаётгани ҳам аҳамиятли.

Айтиш жоизки, Жиззах воҳасининг каттагина ҳудудида яшаётган ҳамюртларимизнинг бу борадаги эзгу истаклари рўёбга чиқадиган дамлар яқин.

Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021 йил учун ушбу объектга давлат бюджетидан 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилгани ҳам буни тасдиқлайди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Яхши ҳосил олишни мақсад қилган бободоҳқон учун баҳорнинг ҳар они қадрли. Ерга қадалган уруғликнинг баравж бўйи кўрсатиши ҳосилнинг ярами нақд, дегани. Ҳосил мўл-кўллиги ундан кейинги агрогадбирларга ҳам боғлиқ. Жараёнда экин парваришидан тортиб тупроқни агрохимёвий таҳлил қилиш, унумдорлиги ва озуқа моддалари билан таъминланганлик даражасини доимий мониторинг қилиб бориш осон иш эмас.



“ТУПРОҚ КЛИНИКАСИ” — ДЕҲҚОНУ ФЕРМЕРГА ТЕЗКОР ЁРДАМЧИ



Бу юмушларни тез ва самарали бажаришда деҳқон ва фермерларга “Тупроқ клиникаси” мобил лабораториялари яқиндан кўмак бериб келмоқда. Инновацион лойиҳа 2020 йилнинг март ойидан ишга туширилди.

Бу борадаги ишлар жойларда оммалашиб бормоқда. Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида ҳудудларда мобил лабораториялар тармоғини ташкил этиб, тупроқлардаги мавжуд фойдали ва зарарли моддаларни аниқлаш асосида қишлоқ ҳўжалиги экинларининг агрохимёвий хариталарини ишлаб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

СИФАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛ

Қўл меҳнати ўрнини замонавий техника ва технология эгаллаш иш жараёни самардорлигини оширади. Инновацион ишланмалар қишлоқ ҳўжалигида ҳам асқатади. Улар оғир меҳнатни енгиллаштириб, ҳосилдорликни бир

неча баробар оширади.

Замонавий соҳага айланиб бораётган ушбу тармоқда илғор технологиялар улуши йил сайин ортиб бораётди. Тупроқшунослик ва агрохимёвий илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишга туширилган мобил лаборатория инновацион лойиҳаси ана шундай ишланмаларнинг яна бир намунаси.

Бошқа соҳа вакилларига бироз нотаниш бўлган ушбу қурилманинг изоҳи унинг номида акс этади. Яъни мобил лаборатория автомобиль ичига жамланган кичик лабораториядир. У ҳудудларга чиқиб, тупроқ таркибини аниқлашда қишлоқ ҳўжалиги ерлари эгаларига тезкор хизматлар кўрсатади.

Юртимизда бу лойиҳа илк бор ишга туширилганидан шу кунга қадар Инновацион ривожланиш ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик томонидан мобил лабораторияларнинг бир қанча мақсадларга йўналтирилган турлари ишлаб чиқилиб, ҳудудларда татбиқ этилмоқда. “Усимликлар клиникаси”, “Ландшафт дизайн ва ҳудудларни ободонлаштириш”, “Дрон ва геоаэробот хизмати”, “Ветеринария”, “Тупроқ ва ўғит-

лар таҳлили”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текшириш ва сертификатлаш”, “Усимликларни химия қилиш хизматлари” сингари мобил лабораториялар шулар жумласидандир.

Бу борадаги илк лойиҳа “Тупроқ клиникаси” мобил лабораторияси бўлган. Айни пайтда бир неча ана шундай лаборатория фермер ҳўжаликлари, кластерлар ва томорқа ер эгалари билан ўзаро шартнома тузиш асосида уларга тезкор хизматлар кўрсатиб келмоқда.

“Тупроқ клиникаси” мобил лабораторияси Германиядаги “Step Systems GmbH” компаниясининг “Lasa Agro Mobil” комплекси билан жиҳозланган. Ундан тупроқ текширувнинг тезкор ва самарали ўтказилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар — Lasa Agro DR 2800 спектрометри, PNT 3000 Combi ва PH 3000 pH-метри, люксметр, квантометр, CO₂-метр T 535, O₂-метр, влагомер ва термометр ўрин олган. Ҳар бир мобил лабораторияда 2 нафар тупроқшунос-агрохимёгар мутахассис иш олиб боради.

ЛАБОРАТОРИЯНИНГ ЎЗИ ДАЛАЛАРГА БОРАДИ

Мобил лабораторияларнинг энг катта афзалликларидан бири стационар эмаслигидир. Улар бир жойда турмайди, буюртма асосида исталган вақтда, исталган ҳудудга йўл олади. Буюртмачиларнинг ер участкалари тупроқларини даланнинг ўзиде таҳлил қилиш ва тегишли амалий тавсиялар бериш имкониятига эга. Бундан ташқари, жараён ердан фойдаланувчиларнинг кўз унгида ташкил этилади.

— Одатда республикамиз сугориладиган тупроқларида агро-

химёвий тадқиқотларни ўтказиш, тегишли картограммаларни тузиш ва экинларни ўғитлаш бўйича тавсиялар бериш ҳар 5 йилда бир марта амалга оширилади, — дейди Тупроқшунослик ва агрохимёвий илмий-тадқиқот институти директори, биолог факультети доктори Шухрат Бобомуродов. — Тупроқдаги озуқа моддалар миқдори динамика кўрсаткичи бўлиб, 5 йил орасида, айниқса, экинлар вегетацияси даврида катта ўзгаришларга учрайди, яъни тупроқнинг озуқа моддалар билан таъминланганлик даражаси ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар талабга мос озуқа режими яратилгандагина экинлардан режалаштирилган ҳосилни олиш имконини беради. Мазкур масаланинг ечимини топиш учун тупроқ диагностикаси усулларидан фойдаланилади. Одатда диагностика стационар лабораторияларда амалга оширилади. Бироқ бундай лабораторияларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида жойлашгани боис, чекка ҳудудлардаги фермерларнинг улардан фойдаланиши учун вақт ва ортқича сарф-харajat талаб этилади. Чунки далага экспедиция уюштириш, олинган тупроқ намуналарини стационар лабораторияга келтириш ва таҳлиллар бажариладиган сўнг тавсиялар тузиб, яна фермерга етказиб бериш керак бўлади. Бу ишларнинг бир муддат чўзилиши оқибатида баъзан берилган амалий тавсиялар кечикчи, уларнинг самардорлиги пасаяди.

Замонавий ва тезкор мобил лаборатория ана шу камчиликларни бартараф этиш, бу орқали деҳқонлар меҳнати самардорлигини оширишга хизмат қилади. У сарф-харajatларни кескин камайтиради, тегишли амалий тав-

сиялар дала тупроғининг муайян вақтдаги ҳолатига асосланишини таъминлайди. Лойиҳа, шунингча тавсиялар бериш ҳар 5 йилда бир марта амалга оширилади, — дейди Тупроқшунослик ва агрохимёвий илмий-тадқиқот институти директори, биолог факультети доктори Шухрат Бобомуродов. — Тупроқдаги озуқа моддалар миқдори динамика кўрсаткичи бўлиб, 5 йил орасида, айниқса, экинлар вегетацияси даврида катта ўзгаришларга учрайди, яъни тупроқнинг озуқа моддалар билан таъминланганлик даражаси ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар талабга мос озуқа режими яратилгандагина экинлардан режалаштирилган ҳосилни олиш имконини беради. Мазкур масаланинг ечимини топиш учун тупроқ диагностикаси усулларидан фойдаланилади. Одатда диагностика стационар лабораторияларда амалга оширилади. Бироқ бундай лабораторияларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида жойлашгани боис, чекка ҳудудлардаги фермерларнинг улардан фойдаланиши учун вақт ва ортқича сарф-харajat талаб этилади. Чунки далага экспедиция уюштириш, олинган тупроқ намуналарини стационар лабораторияга келтириш ва таҳлиллар бажариладиган сўнг тавсиялар тузиб, яна фермерга етказиб бериш керак бўлади. Бу ишларнинг бир муддат чўзилиши оқибатида баъзан берилган амалий тавсиялар кечикчи, уларнинг самардорлиги пасаяди.



ри рентабеллиги ва иқтисодий самардорлигини оширишга ёрдам беради.

ЛОЙИҲА БАРЧА ҲУДУДЛАРГА КИРИБ БОРАДИ

Мобил лабораторияларда ионометрик усуллар билан тупроқнинг ҳаракатчан азот ва калий, фотометрик усулда ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлик даражалари, кондуктометрик усулда шўрланиш даражаси, тупроқ реакцияси (pH), тупроқнинг ишлов бериш ёки экиш учун физик етилганлиги (намглиги, ҳарорати, зичлиги), шудгорлаш чуқурлиги (ҳайдалгандан сўнг), вегетация даврида сўғориш мезоёри ва муддатларини баҳолаш мақсадида унинг намлиги, шамол йўналиши ва тезлигини аниқлаш

имконияти ҳам бор. Бундай тезкор таҳлиллар экиш, сўғориш, тупроққа ишлов бериш муддатларини тўғри аниқлаш, минерал ўғитларни тупроқ таъминланганлиги ва экин талабига кўра,

дун “Тупроқ клиникаси” мобил лабораториясига катта қизиқиш билдирилмоқда. Тезкор тупроқ хизматларига барча ҳудудларда талаб юқори бўлгани ҳолда, бундай замонавий лабораторияларни Тошкент шаҳрида “Марказий тупроқ клиникаси” МЧЖ, унинг филиалларини эса Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда давлат-ҳусусий шериклиги шаклида ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда чет эл тажрибаси асосида Тошкент ва Нукус шаҳрида ҳамда вилоятлар марказларида стационар тупроқ агрохимёвий ҳамда улар ҳузурида “Тупроқ клиникаси” мобил лабораториялари тизимини ишга туширилади.

Ҳозир Қишлоқ ҳўжалиги вазириятининг Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида очилган Қишлоқ ҳўжалигида инновациялар ва билим маркази (AKIS) да Тупроқшунослик ва агрохимёвий илмий-тадқиқот институти томонидан ТошДАУ билан ҳамкорликда мобил лаборатория ташкил этилган. Келгусари Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда AKIS марказлари ва уларнинг таркибиде мобил лабораторияларни ишга тушириш кўзда тутилган.

Амалиётда бундай замонавий лабораториялар қўлланилиши пировардида экинлардан режалаштирилган ҳосил олиб, тупроқ унумдорлигини сақлашга хизмат қилади. Жараёнда тўпланган ахборотлар эса жойларда тупроқларнинг ҳолати, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини яратиш, шу асосида тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Айни вақтда республикадаги фермер ҳўжаликлари, кластер ва томорқа ер эгалари томони-

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

ЎЗГАРИШЛАР ШАМОЛИ КИРИБ БОРМАГАН ХОНАДОН ҚОЛМАЙДИ

Бошланғич 1-бета

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти камида 5 фоизга ўсиши мақсад қилинганини таъкидлаган эди. Пандемия сабаб глобал иқтисодиётдаги пасайишлар шароитида бунга эришиш осон кечаётгани йўқ. Бу йилда ҳар куни қўшимча захираларни излаш ва сафарбар қилиш талаб этилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Маҳаллабай” ишлаш тизими ана шундай илғор тажрибалардан бири бўлиб, ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Биз кўп гапирётган “Маҳаллабай” тизим — бу, аввало, мутасадди раҳбарларнинг республикамиздаги ҳар бир хонадонга кириб, барча оила аъзолари билан тизимли ишлашнинг шаффоф ва самарали механизми. Бунда Президентимиз томонидан барча даражадаги раҳбарлар олдида ўз соҳалари бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифаси қўйилган. Жараёнда камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка йўналтириш ва касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш учун барча молиявий манбалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиб берилган ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Бу ишларнинг бари назоратга олингани эса бу йўналишдаги вазифаларнинг нечоғлиқ долзарб экани, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдаги ўрни юқори эканидан далолат беради.

Ҳудудлардаги маҳаллаларнинг тегишли вазирлик, давлат идоралари ва ташкилотларга бириктирилиши ҳам

тезкор самара бермоқда. Шу асосда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги олдида қўйилган вазифалар ижросига фаол киришган.

Жорий йилнинг биринчи чораги таҳлиллари “Маҳаллабай” ишлаш тизими доирасидаги чора-тадбирлар барча ҳудудларда тизимли олиб борилаётганини кўрсатмоқда. Биргина Наманган вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, муаммоларини ҳал этиш борасида 775 та маҳаллага жами 1331 нафар киши жалб этилиб, вилоят, туман (шаҳар) лар штаблари ташкил этилди. Уларнинг 664 нафари тижорат банкларнинг доимий вакиллари, 334 нафари бошқарув офисларининг иқтисодий идора ходимлари ҳамда 333 нафари мувофиқлаштириш ишчи гуруҳ аъзолари ҳисобланади.

Жараёнда дастлаб шаҳар ва туманлардаги 12 та маҳаллада 3 291 та хонадоннинг иқтисослашуви аниқланган бўлса, ишчи гуруҳ томонидан яна қўшимча 43 та маҳалла қайд этилиб, иқтисослашган хонадонлар сони 7 649 тага етказилди.

Масалан, “Бойовул” МФЙда 535 та хонадон мавжуд бўлиб, асосан, лимон ва лимон кўчати етиштириш билан шуғулланади. Ҳозирда 383 та хонадонда лимонари ташкил этилиб, лимон кўчати етиштириляпти. Яна 120 та хонадонни (82 нафар аёлга субсидия ва кредит маблағлари ажратиш ҳисобига), лимончиликка иқтисослаштирилиш белгиланган.

Бу ишларни олиб боришдан асосий мақсад — аҳолини иш билан таъминлашдан иборат. Жумладан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан бугунги кунда Наманган вилояти туман (шаҳар)ларида томорқа ҳўжаликларига уруғлик ва сўғориш восита-



лари ажратиш учун 2,8 миллиард сўм, тикувчилик йўналишига 3,4 миллиард сўм субсидиялар ажратилиб, “Темир дафтар”га киритилган 2 286 нафар ишсиз фуқаро кооперативларга жалб этилди. Натияжада биргина тикувчилик йўналишида 7 та ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти йўлга қўйилиб, уларда “Аёллар дафтари” рўйхатида кирган 850 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Сирдарё вилоятида ҳам махсус ишчи гуруҳ томонидан олиб борилаётган ишлар натижасида одамлар ишли бўлиб, рўзгорини мустақил тевратяпти. Вилоятда имкониятлардан

фойдаланиб турли йўналишларда иш бошлаш, кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагидаги фуқаролар сони ортиб бормоқда. Ҳудуддаги тадбиркорлар ҳам аҳолини иш билан таъминлашга катта ҳисса қўшяпти. Хусусан, 7 нафар хунарманд тадбиркорлар томонидан Оқолтин, Сардоба, Мирзаобод туманларидаги жами 518 нафар маҳаллий ишсиз фуқаронинг бандлиги паррандачилик, тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича таъминланди.

Наманган вилоятдан Оқолтин туманига келган хунарманд Ўғилжон Каримова ана шундай саховатпеша

тадбиркорлардан. Бу аёл Сирдарё вилоятининг бир қатор ҳудудларида тикувчилик йўналишида кооперативлар ташкил этиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан таъминламоқда.

Шайхонтоҳур туманида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бириктирилган маҳаллаларда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Аёллар дафтари”га киритилган 144 нафар ишсиз хотин-қиздан 117 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг бир қисми “Шодлик” маҳалласидаги “Nazar Textile” тикувчилик

корхонасига ишга жойлаштирилган бўлса, бошқалари шу маҳаллада ташкил этилган “Roziya Teks Group” тикувчилик кооперативига жалб қилинди. Бир гуруҳ хотин-қизлар учун тикувчилик бўйича ўқув курси ҳам ташкил этилди. Айни пайтда сертификатни қўлга киритган аёллар нафақат ишга жойлашиш, балки ўз тикувчилик корхонасини очиб, бошқаларни ҳам иш билан таъминлаш ҳаракатида.

Мазкур ҳудудларда, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда Шайхонтоҳур туманидаги вазирликка бириктирилган маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”га 564 нафар ишсиз йигит-қиз киритилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 128 нафари ишга жойлаштирилди. Ёшларнинг 13 нафари жамоат ишларида жалб этилиб, 92 нафари касб-ҳунар ўрганиш учун ўқишга юборилган бўлса, 110 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди. 28 нафар ёшга эса ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. Ҳозирда 221 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда.

Умуман олганда, “Маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича ўрганиш ишларининг замон талаби асосида олиб борилиши ва амалиётга жорий этилиши ижобий тажриба алмашиш, бу соҳадаги ютуқлар ва такомиллаштирилиши лозим бўлган ишларни янада жонлантиришга йўл очмоқда. Жорий этилган илғор, янги тизим жойларда аҳоли муаммоларини ўрганиш, даромад манбаларига эга бўлмаган фуқароларнинг кичик “драйвер” лойиҳаларини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Миршод НАСУЛЛАЕВ,
Бизнес-омбудсман девонининг бош инспектори

Аҳоли сонида ёш қатламининг кўплиги давлат учун ҳам афзаллик, ҳам масъулиятдир. Ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган йигит-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш айти куннинг долзарб масаласига айланмоқда. Статистикага назар соладиган бўлсак, 2021 йилнинг февраль ойи ҳолатига кўра, ёшлар ўртасида (18-30 ёш) ишсизлик даражаси 17 фоизни ташкил этди. Ҳозирги пайтда “ортиқча ишчи кучи”нинг миқдори сезиларли даражага етган, бунинг натижасида ишсиз ёшларнинг катта қисми норасмий иқтисодиётда ҳам ишламоқда.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ Қўллаб-қувватланади

Ушбу масалани ҳал этишда ҳукумат томонидан, биринчи навбатда, ёшлар таълимига ва уларни зарур кўникмаларга ўқитишга катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ёшлар сиёсати доирасида олий таълим муассасаларига қабул қилинаётган талабалар сонини кўпайтириш бўйича дастурлар тасдиқланди. 25 та олий таълим муассасасининг 202 объектда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш ва уларнинг моддий-техник базасини модернизациялаш орқали талабаларга қулай шароитлар яратилди.

Мамлакатдаги ёшлар сиёсатини янги босқичга кўтариш мақсадида 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Унинг доирасида малакали кадрларни тайёрлаш учун нуфузли хорижий олийгоҳларнинг бакалавриат, магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сонини ошириш юзасидан чоралар белгиланди. Ўқиш харажатлари “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан қопланиши белгиланди ва бу билан хорижда ўқиш учун имконияти чекланган йигит-қизларга ҳам истиқболнинг янги йўналишлари яратиб берилди.

Коронавирус COVID-19 пандемияси тарқалган даврда дунё бўйлаб карантин чекловлари жорий этилди ва натижада

“Ёшлар дафтари”дан чиқаришга асосий урғу берилмоқда.

Хусусан, 2021 йилга мўлжалланган дастур доирасида, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга зарур бўлган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари раислигида 13 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган барча вазифалар эса Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ўз ифодасини топди.

Жумладан, ёшларни тадбиркорлар томонидан ишга жалб қилинишини рағбатлантириш мақсадида 1 майдан бошлаб, 25 ёшдан ошмаган ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига ушбу ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоизни ташкил этганлигини ҳисобга олсак, ҳар ойда қайтариладиган сумма тадбиркорлик субъектларининг солиқ юқини сезиларли даражада камайтиради.

Шу билан бирга, “Ёшлар дафтари”га кирган 5 нафардан

“Ёшлар дафтари”га киритилган йигитлар ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ харажатлари бюджетдан тўлаб берилиши белгиланди.

Шунингдек, 1 июндан бошлаб “Ёшлар дафтари”га кирганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатининг бир қисми қоплаб берилади. Бундан ташқари, ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиш учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

“1+1” ТАМОЙИЛИ АМАЛИЁТИ НАТИЖАЛАРИ

Янги белгиланган имтиёзлардан ташқари, ҳудудлардаги ёшларнинг турмуш тарзини ўзгартириш, уларнинг имкониятларини кенгайтирадиган комплекс тизим яратилди. 2020 йилнинг декабрь ойида “1+1” тамойили ишлаб чиқилди ва унинг асосида республика бўйича ишчи гуруҳлар тузилди. Янги тамойил доирасида ҳудудларда “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларни иш билан таъминлаш ва касб-хунарга ўқитиш амалиёти кенгайтирилди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган ёшлар рўйхатлари тузилиб, уларни тадбиркор ва хунармандларга бириктириш амалиёти жорий этилди. Касб-хунар ва тадбиркорлик курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификатга эга бўлган ёшларга кредитлар ажратилмоқда. Ушбу мақсадларга 45 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар йўналтирилган.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида, жорий йилнинг апрель ҳолатига кўра, республика бўйича ташкил этилган ўқув курсларида 26 мингдан ортиқ ёшлар таҳсил олган бўлса, уларнинг 4 135 нафарига кредит ажратиб берилди. 36 мингдан ортиқ ёшлар тажрибали тадбиркор ва хунармандларга бириктирилди. Жорий йилнинг охиригача камида 500 минг нафар ёш иш билан таъминлаш юзасидан вазифа белгиланди ва бугунги кунда унинг ижросини таъминлаш тадбирлари давом этмоқда.

Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг барчаси, биринчи навбатда, ёш кадрларни тайёрлашдан бошланиши лозим. Бинобарин, ёшлар иш топишда қўллаб қўйинчиликларга дуч келмоқда ва бу уларнинг энг заиф нуқталаридан бири ҳисобланади. Шу сабабли ёшларнинг меҳнат бозорига жой топиши ва ўзларини, оиласини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш учун шароит яратиш ишларини изчил йўлга қўйиш лозим.

Ушбу йўналиш давлатимиз олдида турган устувор вазифалар сирасига қиради. Қолаверса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида барқарор пойдевор яратилаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, унинг устига шунчалик мухташам бино қурилади ва у узоқ йиллар хизмат қилади.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРГАН 5 НАФАРДАН ОРТИҚ ИШСИЗЛАР БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАГАН ТАДБИРКОРЛАРГА 1 МАЙДАН БОШЛАБ, ДАВЛАТ МУЛКИ ИЖАРАСИ УЧУН 50 ФОИЗГАЧА ИМТИЁЗ ТАҚДИМ ҚИЛИНДИ. УНДАН ТАШҚАРИ, 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАРДА ЯНГИ ИШ БОШЛАГАН ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ХАРАЖАТИНИНГ 1 МИЛЛИОН СЎМГАЧА БЎЛГАН ҚИСМИГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ.

иқтисодий фаоллик сезиларли даражада пасайди. Бир қатор хорижий мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлашга қаратилган 10 триллион сўмлик Инқирозга қарши курашиш жамғармаси шакллантирилди. Пандемияга боғлиқ қўшимча молиявий юкка қарамасдан, давлат томонидан ёшларнинг муаммолари четда қолмади.

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ТАДБИРКОРНИ ҲУКУМАТ ҲАМ ҚўЛЛАЙДИ

2020 йилнинг август ойида ёшлар орасидаги ишсизликни камайтириш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатишининг янги механизми, яъни “Ёшлар дафтари” жорий этилди. Бу дастурга республикаимизнинг барча ҳудуд ва туманларидаги ишсиз ёшлар киритилиб, уларга индивидуал равишда ижтимоий ва молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу йигит-қизларни иш билан таъминлашга ва уларни

ортиқ ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларга 1 майдан бошлаб, давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёз тақдим қилинди. Ундан ташқари, 1 июндан бошлаб хусусий корхоналарда янги иш бошлаган ходимларни қайта тайёрлаш харажатининг 1 миллион сўмгача бўлган қисмига субсидия берилади.

Уз навбатиде, ёшларнинг ўзи ҳам имтиёзлар белгиланди. Хусусан, 1 июндан бошлаб, профессионал таълим ташкилотлари томонидан “Ёшлар дафтари”га киритилган талабаларга корхоналарда амалиёт ўтаган даврида 500 минг сўмгача ҳар ойлик субсидия ажратилади. Биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

Уз тадбиркорлик ташаббусларини йўлга қўйишни режалаштирган ёшлар ҳам рағбатлантирилмоқда. Масалан, ўз бизнесини бошлаш доирасида ижарага бино олаётган ёшларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қоплаб берилади.

КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ҚИЗЛАРИМНИНГ КўЗЛАРИ ҚУВНАГАНИ ЭНГ КАТТА БАХТИМ

Арофат БЕКНАЗАРОВА
Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Маъмуробод” маҳалла фуқаролар йиғини

Менинг кутилмаган хушxabардан ҳамон ўзимга кела олмаётганим четдан қараган одамга қулгили туюлиши мумкин. Аммо ўрнимда ҳар қандай инсон ҳам мана шундай ҳолга тушган бўларди...

Турмуш ўртоғим оламдан ўтганидан кейин ота уйимга қайтишни эп кўрмадим. Чикқан қиз чийдан ташқари, деган гап бор. Ўзимдан анча катта бир инсон билан иккинчи бор турмуш кўрдим. Афсуски, у билан ҳам ҳаётим яхши кечмади. Бошпанасиз қолиб, ҳали у ерда, ҳали бу ерда яшаб юрдик. Неча йиллик саргардонликлар, хору зорликлардан қаддим эгилди, ёшлим ҳору увол бўлди. Еттинчи жойдан ҳам кўчганимиздан сўнг уй дейишга ҳам тил бормайдиган бир гувала қулбада яшай бошладик. Турмуш ўртоғимнинг топиш тутишида таин йўқ, жанжал, қизларим учун яшайвердим. Бошқа имконим ҳам, чорам ҳам йўқ эди, ахир, МФИда фаррош бўлиб ишлаб, рўзгор тебратилга ҳаракат қилдим.

Март ойининг 17-куни уйимизга 5-6 киши келиб, бизни қақриди. Ташқарига чиқсам, туманимиз ҳокими ва ёрдамчилари экан. Ҳоким бу уйда одам яшашига ишонмай турарди. Яратганининг ўзи меҳрибон-да. Менга туман ҳокимининг ўзини рўбарў қилиб қўйди, мен билан узоқ гаплашди. Бошимдан ўтганларни, нима сабабдан бу ерда яшаётганимни айтиб бердим. Қолаверса, шу пайтгача ҳеч кимга мурожаат қилмаганим, бир марта туман хотин-қизлар кўмитаси раиси билан учрашмоқчи бўлганимда оёғимдаги қалишнинг йиртиқ эканини рўқач қилиб, учраштиришмаганимни ҳам яширмадим.

Ҳоким мени обдон эшитиб бўлгач, ёнидагиларга қараб, “Маъмуробод” МФИдаги уйлардан бирини берамиз, тезликда кўчириб ўтиш керак”, деди.

Бу гапдан қарахт бўлиб қолдим. Тўғри-



си, оёқларим қалтираб, бутун танамда кучли титроқ уйғонди. Қулоқларимга ишонмас эдим. Қизларим билан янги уйга кўчиб ўтганимиз, ўша уйда тонглар оттираётганимиз ҳамон тушга ўхшайверди, ишонгим келмайди. Давлатимиз биз каби эҳтиёманд, бошпанасиз қолганлар учун уйлар қуриб қўйганига миннатдорлигимни қандай изҳор этишни билмайман. Шу чоққача маъносиз қизлар кула бошлаган қизларимга қараб, “биз ўз уйимизда яшаймизми, ўнгимизми тушимизми”, дейман тинмай.

Яна бир гапни айтсам, ишонмайсиз. Тасодифни қарангки, бу ерда туғилган одам билан қўшни бўлиб қолдик. Опам ҳам энди мендан бемалол хабар олиб туриши мумкинлигидан хурсанд. Чунки 2-3 йил аввал қувватсизликдан хушимни йўқотиб, йиқилганимда бошим тошга тегиб, қаттиқ шикастланган эди. Шунинг асоратими, тез-тез хушимни йўқотадиган бўлиб қолганман. Мана шундай пайтда ёнингда яқининг, жигаринг бўлса дер эдим. Тагин уйимизга яқин жойдаги катта тўқимачилик корхонасига ишга ҳам жойлаб қўйишди. Янги жамоада ҳамма яхши гапирди, кўнглимга қарайди.

Маҳалла фуқаролар йиғинида ишлайдиган Омина опа Болтабоева эса худди онам

каби гамхўрлик кўрсатяпти. Ўзига 2 та нон олса, биттасини бериб кетади. Озиқ-овқат, кийим-кечак, идиш-товоқдан ҳам ёрдам қилаяпти. Энди соғлигим ҳақида ҳам қайғура бошлади. Бепул даволанасиз, ордер олиб берамиз, деяпти. Нариги маҳалламизда ҳам “Аёллар дафтари”да рўйхатда турар эдим. Шу пайтгача улар ҳам моддий ёрдамлар бериб келишди. Кўчиб келган кунимизданок бу ерда ҳам “Аёллар дафтари”га киритилдик.

Менга ўхшаган қанча-қанча уйсизларни уйли қилиб, кутилмаган бахтга эриштирилганлари учун аввало, Президентимизга, ҳокимларимизга мингдан-миг раҳмат айтаман. Аста-секин ҳаммаси бўлар экан. Аиниқса, бизнинг юртимизда ҳеч бир инсон ўз холига ташлаб қўйилмаслигига яна бир бор гувоҳ бўлиб турибман. Фуқароларига бундай гамхўр давлат бўлмаса керак. Бу ёғига мана шу гамхўрликка жавобан қизларимни юрт хизматига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялайман. Ўзим эса ҳалол меҳнатим билан фаровонликка ҳисса қўшаман. Инсон руҳияти баланд бўлса, худрат топса, оила ва фарзандлар учун, юрт фаровонлиги учун шижоати пайдо бўлишига чин дилдан ишондим.

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Фронт ва фронт орти қаҳрамонларига эҳтиром

Муножат МўМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 минг эмас, қарийб икки миллионга яқин (1 миллион 951 минг) киши урушда иштирок этган. Ўша йиллари юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг нафарни ташкил этгани инобатга олинса, ҳар уч кишидан бири Ватан ҳимояси учун жангга кирган.



Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасидаги “Шон-шараф” давлат музейида ташкил этилган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилганларни эъзозлаш — Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири” мавзусидаги семинарда шу каби қўллаб муҳим маълумотлар келтириб ўтилди.

Семинар уруш қатнашчиларини хотирлаб, уларга бугунги кунда ва обод юрт, тинч-

лик ва фашизм устидан қозонилган буюк ғалаба учун миннатдорлик сифатида гул қўйиш маросимидан бошланди.

Тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 апрель санасидаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўткизish чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида

фидокорона меҳнат қилган фахрийларимиз қаҳрамонлигини кенг жамоатчиликка етказиш, ёш авлодни ота-боболаримизга муносиб, бугунги тинч, осойишта ҳаётини асраб-авайлаб, янада мустаҳкамлашга қодир, Ватанга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги фикрлар айтилди. Бундан ташқари, сўзга чиққанлар ўша давр даҳшатлари, ўзбек миллатининг қаҳрамонликлари, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уруш қатнашчиларига берилаётган эътибор, хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари, давлат чегарасини мустаҳкамлаш йўлида жонини фидо қилган ҳарбий хизматчилар номини абадийлаштириш, уларнинг оила аъзолари ҳолидан доимий хабар олиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Аҳамиятлиси шундаки, семинарда ўрганишлар орқали уруш даври билан боғлиқ бир қатор янги маълумотлар аниқланган маълум қилинди. Жумладан, ўша даврда қулоқ сифатида бошқа ўлкаларга сурғун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳаракатдаги армияга сафарбар этилиб, уруш даврида 396 минг эмас, 538 мингдан зиёд ўзбекистонлик ҳалок бўлган, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган.

Бундан ташқари, олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сонига ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг деб қайд этилган бўлса, янги маълумотларга, асосан, Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицеримиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланган. Хусусан, илгари 280 нафар ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сони аслида 301 нафар экани, 70 нафар юрtdошимиз учала даражадаги “Шуҳрат” орденига сазовор бўлгани ўз таъдигини топиб, тарихий ҳақиқат юзига чиқди.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 76 йил тўлаётган бўлса-да, уруш хотираларининг битмас жароҳати кўнгилларда ўчмас доғ, инсоният тарихида эса миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган мудҳиш воқеа сифатида муҳрланиб қолди. Орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, унинг оғриқлари ҳамон қалбларни ларзага солади.

Биргина Тошкент вилоятидан **121969** нафар фуқаро урушга кетган. Уларнинг **22617** нафари жангу жадалларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. **19367** нафари эса бедарак йўқолган. Қирғинбарот жанггоҳлардан юборилган **3500** нафар бошпанасиз катталар ва **1700** нафар ёш гўдак Тошкент вилоятидаги бағрикенг ўзбек хонадонларида қўним топган.



АҲДОДЛАР ХОТИРАЛАРИ
АВЛОДЛАР ҚАЛБИДА
МАНГУ ҚОЛАЖАК

Ислонбек ҲАСАНОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети ўқитувчиси

1942 йилнинг айна ёз фаслида Сайдулла ака ва Болтажон опа хонадонига машъум уруш нафаси етди — суюкли кенжаси Мирзамаҳмудни ҳам фронтга сафарбар қилиш ҳақидаги бир парча қозғони ташлаб кетишди. Шундоқ ҳам икки фарзандини урушга жўнатган Сайдулла ака ва Болтажон опанинг ташвишига ташвиш қўшилди. Уруш ҳеч қандай шафқатни билмайди. Ота-она ўз жигаргўшасини жангга юбормасдан қайга боради? Ноилж, бу ўғлини ҳам фронтга юборишди. Эндигина ўн олтидан ошган, ҳали мўйловлари саба урушга улгурмаган ва ота-она бағрининг тафтини эсидан чиқармаган Мирзамаҳмудни мажбурлаб фронтга олиб кетишди.

Дастлаб уларни Туркменистоннинг Тошхўвз вилояти саҳроларида жойлашган дала ўқув майдонига олиб боришиб, жанг сир-асрорларини ўргата бошлади. Олти ойлик ўқув машғулларидан сўнг уларни урушнинг қайноқ нуқталаридан бири бўлган Сталинградга ташлашди. Сталинград остоналаридаги жангларда немис фашистларга қарши мардондор курашган ёш Мирзамаҳмуд ўзбек жангчилари нима-ларга қодир эканини яна бир бор кўрсатиб қўйди. Ўша пайтларда у мототўқчилар дивизиясида пулемётчи эди. Қайсибир жангда Мирзамаҳмуд оёғидан яраланди. Яралангандан нишона снаряд парчаси то ҳаётининг охиригача танасида қолди.

Жангдан сўнг отряддан уч аскар омон қолади ва ўрмонга яширинади. Улардан бири менинг бобом Мирзамаҳмуд эди. Шу кўйи бир ҳафта ўрмонда қолиб кетишди. Ёйишга оқват, ичишга сувлари қолмаган. Ноилж, ўрмондаги дарахларнинг илдизи озуларини ювиш учун қўлмакка борганларидан не кўз билан кўришиники, бир немис жангчиси жонсиз ётар эди. Дарров унинг кийимларини текшириб кўриб, ярим буханка нон топиб оlishади. Нон сувда шишиб кетган, шу нонни еб тирик қолишган экан...

Бобом менга уруш хотиралари ҳақида кўп сўзлаб берган. Ана шундай воқеалардан бири Беларуссияда бўлган. Немис аскарлари кичик қишлоқлардан бирини эгаллаб олган ва бобом хизмат қилаётган отрядда қишлоқни улардан тозалаш вазифаси юклатилган эди. Жанг узоқ давом этиб, қишлоқ фашистлардан батамом озод қилинган ва шу жараёнда ҳар икки томондан ҳам қўллаб жангчилар йўқотилган. Мардондор олишувда бобом ва яна беш-олтита жангчи омон қолган.

1945 йил уруш тугаши арафасида бобом Берлин остоналарида бўлаётган жангларда жон олиб жон бераётган эди. Узининг айтишича қараганда, Рейхстагга байроқ ўрнатилиши жараёнида қатнашган.

Уруш ниҳоясига етганига қарамай, минглаб кўнгилли аскарлар қатори бобом ҳам ўз уйига қайтмай, то 1950 йилгача Германияни урушдан сўнг қайта тиклаш тadbирларида фаол иштирок эди. Айниқса, Берлин, Дрезден шаҳарлари урушдан жуда катта талафот кўрган эди. 1950 йилда бир олам таассуротлар, юрт соғинчи билан қалби жўшиб, кўкраги ордену медалларга тўлиб, жонжон диёри Наманганга қайтиб келди. Бу орада бобомнинг катта акаси Нормирза бобом ҳам эсон-омон уйга қайтади. Аммо уртанча акаси Турсунбойга урушдан қайтиш насиб этмади.

Урушдан кейинги йиллар Ўзбекистонда ҳаёт бирмунча оғирроқ кечди. Шундай оғир шароитларда бобом ҳозирги Наманган туманидаги 26-умумтаълим мактабида география фанидан бир неча йиллар сабоқ берди. Андижон вилоятининг аввалги Бўз, ҳозирги Бўстон туманида деҳқончилик билан шуғулланда. Ҳаётининг охири йиллари маҳалла-қўй хизматиға бағишлади. 76 ёшда оламдан ўтган бобомнинг мангу хотиралари биз — авлодлари қалбида абдий қолажак.

Президент муруввати кўнглимни
кўтариб, белимга қувват бўлди



ЎТМИШ АЗОБИ ЎҚ КАБИ
ҚАЛБДА ҚОЛДИ

Бугунги кунда Тошкент вилоятида Иккинчи жаҳон урушининг 51 нафар қатнашчиси кексалик гаштини сурмоқда. Янгийўл туманининг Ниязбош қишлоғида истиқомат қилаётган уруш фахрийси, 96 ёшли Камол ота Рихсибоев билан сўхбатлашар эканмиз, инсоният бошига мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар кептирган машъум уруш ватанимиз сарҳадларидан анча олмасда юз берган бўлса-да, унинг асоратлари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтмаганига, ҳали-ҳануз юртдошларимиз қалбида оғрикли бир ўқ каби сақланиб келаётганига яна бир ўқ амин бўлдим.

— Уруш сабабли жуда кўп машаққат чекдик, қийналдик, ёшлик гаштини сура олмадик. Эсласам, юрагим эзилди, дилим вайрон бўлади, — дейди Камол ота. — Уруш одамларнинг шодлигини ўғирлади, навқирон йигитларнинг умрига зомин бўлиб, ёшпана келинчақларни бевага айлантди. Фарзанд доғи оналар юрагини ярадиб, оталар қаддини буқди. Шодлик урнини мотам, қувонч урнини гам эгаллади. У кунларнинг ёди ҳаёлимиздан асло ўчмайди. Шунинг учун ҳам бугунги осойишта, фаровон кунларга етганимиз ва юртимиздаги маъмуриликни кўриб, ҳар онимиз учун шукрона айтаман. Биз, уруш қатнашчиларига чексиз мурувват.

Кўрсатиб келаётган Президентимизни Аллоҳ ўз паноҳида асрашини, тану жони соғ, азиз боши омон бўлишини сўраб дуо қиламан. У кишининг шарофати билан 2018 йилда Киспловоскдаги “Ўзбекистон” санаторийида дам олиб келдим. Соғлигимни менга бириктирилган тиббиёт ҳамшираси доимий назорат қилиб турибди. Ҳар ойда зарур озик-овқат маҳсулотлари оламан. Ҳалабанинг 76 йиллиги байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарининг фармониға биноан, 12 миллион сўмдан пул мукофоти берилиши кайфиятимизни кўтариб, белимизға қувват бўлди.

Ҳа, давлатимиз раҳбари яқинда имзолаган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармон ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор Камол ота сингари уруш қатнашчиларининг кўнглини тоғдай кўтариб, руҳиятига ижобий таъсир кўрсатгани ҳақиқат. Зеро, урушда ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларни эъзозлаш бугуннинг энг долзарб вазифасидир.

ОТАСИ, АКАСИ УРУШДАН
ҚАЙТМАДИ

Камол ота Рихсибоев 1926 йил 19 сентябрда Янгийўл тумани Ниязбош қишлоғида туғилган. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллашмасидан уруш бошланган. Отаси ва акаси биринчилардан бўлиб жангга кетган. Онаси Жайри ая эса икки ёш гўдагини бағриға босганча, чиркиллаб қолаверган. Ўша пайтда эндигина 15 ёшни қаршилаган Камол 1941 йилдан бошлаб рўзғорға ёрдам бериш, онасининг оғирини енгли қилиш учун колхозда ишлайди.

Уйига бир бурда нон олиб келиб, онаси ва укаларининг ризқини бутун қилишға уринган қаҳрамонимиз уруш қачон тугаркан, дадам ва акам қачон бағримизға қайтаркан, деган ўй ва хаёл оғушида тиришиб-тирмашиб ишлар экан, тунлар, кун, ой ва йиллар қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолди.

Ўша пайтларда бутун мамлакатда ахвол ниҳоятда оғир эди. Орадан уч йил ўтиб, яъни 1944 йилнинг январь ойида Камол Рихсибоевни ҳам ҳарбий хизматга чақирди. Унинг урушга кетишини эшитган онаси доду фарёд солиб йиғлайди. “Отаси, акасидан на бир хат, на бир хабар бор. Энди Камолим ҳам кетадими, мен нима қиламан, бошимни қайси тошға ураман”, дея жавраб, жавдираб қолаверди...

КЎЗИНГ УЙҚУГА КЕТДИМИ,
ТАМОН,
ҲАЛОҚ БЎЛИШИНГ ТАЙИН!

Камол отанинг ҳикоя қилишича, у дастлаб туман, сўнгра вилоят ва республика комиссариатида ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Кейин ўзи каби тендошлари билан ўқчи полк таркибига қўшилиб, ҳарбий машқурларға жалб қилинган. Икки ой давом этган тайёргарликдан сўнг 1944 йилнинг 12 апрель кунини Украина томон йўл олишди. Украинанинг Польша билан чегарадош туманида 176-ўқчи полк таркибига қўшилиб, Польша, Чехословакия, Германия учун жангларда қатнашди.

— Душман билан қақшатқич жанглар бошланди. Ҳар кун юзлаб одам ҳалок бўларди. — дея ўша давларни эслайди Камол ота. — Оқолларда устимиздан ўқлар шамолдек визиллаб учарди. Кўзинг уйқуга кетдими, тамон, ҳалок бўлишинг тайин!

тайин! Шунинг учун кечаю кундуз мижа қоқмасдик. Кечаси ёнимизда бўлган сафдошимизни эрталаб тирик қурмасдик. Шундай кезларда тунда осуда уйқуга ётиб, эрталаб хуш кайфият билан ўз она қишлоғимда, ота-онам ёнида бежавотир уйғонишни орзу қилардим. Бугунги тинч-осуда ҳаётимиз ўша даврда бир ширин туш, гўзал хаёл эди, болам!..

ФАРАҲБАХШ КУНЛАРИНИНГ
ФАРОҒАТЛИ НАШИДАСИ

Камол Рихсибоев ғалабани Германияда қарши олади. Аскарлар бир-бирини табриқлаб, қучиб, қўлидаги қуролидан осмонға ўқ узиб, қий-чув қилиб қийқирса, Камол ота тинмай хўнграб йиғлаган экан. Унинг кўз ёшлари қувончдан, соғинчдан, азобли кунлардан кейин рўёбға чиққан ғалаба нашидасининг чин ҳақиқат эканидан эди...

Отaxon ўша давр фожиаларини ҳаёлидан яна бир бор ўтказди, шекилли, кўзларидан думалаб тушаётган ёшларни яширишға уриниб, даструмолчаси билан артиб қўйди.

Камол Рихсибоев уруш даврида “Жасорати учун”, “Берлинни озод қилганини учун”, тинчлик йилларида “Шукрат” ва Ҳалабанинг 60, 60, 70, 75 йиллиги медаллари билан тақдирланган.

Отaxon уруш тугагандан сўнг беш йил ўтгач, яъни 1950 йил бошида она юртиға қайтиб келади. Янгийўл туманидаги ўрмон хўжалиғида, сўнгра ширкат хўжалиғида сўчи бўлди. Бугунги кунда эса Камол ота Ниязбош қишлоғидаги хонадонда 5 нафар фарзанди, 20 нафардан зиёд невара, 40 дан зиёд чевара ва 5 звараси қуршовида бағри бутунликда қарилми гаштини сурмоқда.

— Уч йилдан зиёд давом этган тутқунликдаги ҳаётни тасвирлаш қийин, — дейди Мария Ефимовна. — У ердан қайтганларға қараганда, қайтмаганлар кўпроқ. Кўпчилик уруш кийинчиликлари, фашистлар ваҳшийлиги ҳақида фақат китоблар ва кинолар орқали таассурот олади. Аслида эса у кунларнинг азоблари улардагидан кўра, минг бора оғир эди.

1945 йилнинг апрелида Браунингвейг концлагеридан тутқунлар озод қилинди. Мария Украинаға қайтиб, Киевдаги заводлардан бирда ишлаб қолади. Шу ерда ўзбек йилги Карим Абдураҳимов билан танишиб, унга қўнғил қўйди. Орадан бироз фурсат ўтиб, Карим ва Мария Ўзбекистонға қайтиди. Энди улар Мирза-қўлни ўзлаштиришға олтиди. Янгидан ташкил бўлган Пхактор туманидан қўним топган оиланинг бошлиғи пахта даласида, бекаси ҳам чорвачилик фермасида иш бошлади. Шу ерда уларнинг 6 фарзанди — Галина, Сергей, Татьяна, Зулфия, Саид ва Анна таваллуд топди. Ўзбек йилги ва украин қизи узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечирди.

Бугун Зомин туманининг сўйим Еттикечүв қишлоғида неваро чеваралар қуршовида умргузаронлик қилаётган Холбек бобо Равшанов 1943 йилда, эндигина 18 ёшни қаршилаганда армияға чақирилди. У қисқа муддатли жанговар тайёргарликдан сўнг сафдошлари билан Беларуссия фронтда жанг қилаётган қўшинлар таркибига жунатилиди. Орадан бир йил ўтиб, Псков шаҳри учун жангда оғир яраланди. Госпиталь жароҳлари унинг вужуддан бир неча снаряд парчасини териб олди. Ушанда Холбекнинг танасидаги темир булақларидан биттаси қилиб кетган экан. Уни орадан 43 йил ўтиб, 1978 йилда Ўзбекистонда олиб ташлашди.

Холбек Равшанов фашизм устидан қозонилган ғалаба

Буюк ғалабанинг оғдий ижодкорлари

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги нишонланган олис 1975 йилда мактабнинг 9-синфида ўқир эдим. Бир кунни ўқитувчимиз уруш ҳақида иншо ёзиб келишни ўй вазифаси қилиб берди. Уйга келиб, отамдан урушда бўлган воқеалар ҳақида гапириб беришини сўрадим. Тўғриси, отам бу қирғинбарот урушнинг бошидан охиригача қатнашган бўлса-да, ўша даврни эслашни ёқтирмасди. “Кел, ўтир, қоғоз-қалам ол”, деди отам. Мен ниҳоят унинг уруш хотираларини эшитадиган бўлдим, дея хурсанд бўлиб кетдим.

Отам эса ўзи билан урушга отланиб, она юртидан узоқ-узоқларда мангу қўним топган ҳамқишлоқлари номини санай бошлади. Ҳозирги кунда 4 минг киши истиқомат қилаётган Аришли ўша пайтда мўжазгина, атиги 100-120 хонадондан иборат қишлоқ бўлган экан. Отам билан иккимиз тузган рўйхатдан эса оз эмас, кўп эмас, 103 нафар бўз йилгининг номи ўрин олди. Бу эса Жиззахдаги кичик бир қишлоқнинг ўзидаги қарийб ҳар битта оилаға урушнинг совуқ нафаси — қора хат келганидан далolat эди.

Архивлар Жиззах заминининг салкам 40 минг фарзанди фашистларға қарши урушда иштирок этганини тасдиқлайди. Улар Москва остонасида, Ленинград ва Сталинград мудофеасида, Беларус ва Украина худудларида, Европанинг то Берлингача бўлган барча мамлакатларини озод этишда жасорат ва матонат намуналарини кўрсатганликларига шубҳа йўқ. Зеро, жанггоҳларда кўрсатган жасорати

учун воҳанинг 4 минг 600 вакили жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Уларнинг 3 нафари — Журақул Тураев, Егор Иванович ва Эшонкул Исмоилов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони олди. Отам — Хайитбой Каримов “Қизил юлдуз” ордени соҳибни эди...

Белоруссиянинг Домановичи туманидаги Гороховичи қишлоғида киравершида бундай лавҳа битилган: “Белоруссия фронтининг 65-армияси, 46-енгли артиллерия бригадаси, 12-дивизияси таркибидаги 1007 артиллерия полки тўп командири сержант Николай Спиридонович Павлов ва мўлжалға олувчи кичик сержант Журақул Тураев 1943 йилнинг 21 декабрида Дуброва яқинидаги 143,3 теплалик учун бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвониға сазовор бўлдилар”.

Жиззахлик марҳум журналист Бекмуллат Тоғаевға Журақул бобонинг ўзи мана буларни гапириб берган экан: “1943 йилнинг 21 декабри кунги жанг тафсилотлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Чекинаётган душман бехосдан ҳужумға ўтди. Жанг майдонда қутқилинганда душманининг бирваракайига 27 та танки пайдо бўлиб, бизнинг батарея эгаллаб турган худуд томон бостириб кела бошлади. Бироқ биз бундан саросимаға тушмадик. Мен командирим сержант Николай Павловнинг буйруғиға биноан, тўпни жанговар ҳолатға кептирдим. Бу орада душман танклари ўт оғангича биз томон яқинлашиб келар эди. Улар биз отган снарядлардан бирин-кетин талафот олиб, тутай бошлади. 12 та танк ва 2 та ўзинор тўп йўқ қилингандан кейин бошимдан яраландим...”

Урушдан соғ-омон қайтган Журақул Тураев умрининг охиригача халқ эҳўллимнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилди, зўлажур хўрматида бўлди.

Заваробод туманининг “Бирлик” маҳалласида яшовчи Мария момо Абдураҳимова 98 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳамон тетик, хотираси тиниқ. Ваҳоланки, онахон

бани Югославияда кутиб олди. Аммо ҳарбий хизмат унинг учун ҳали тугамаган эди. То 1948 йилгача Грузияда жойлашган ҳарбий қисмда хизматни давом эттириб, уруш асоратларини бартараф қилишда иштирок этди.

Отaxon урушдан кейин кўп йиллар Зомин халқ паркида меҳнат қилиб, табиатни кўриқлаш, миллий бойлигимизни кўз қорачиғидек асраш ишиға катта хисса қўшди. Урушда олган орден-медаллари қаторини тинчлик йилларида олган мукофотлари тўлдирди. Шу ердан нафақаға чиқди. Мамнун бўладиган жиҳати, бобо ҳамон бардам, хотираси ўткир, 32 нафар набирасию зварасининг номини айтиб чақиршди сира адашмайди.

— Мен бахтли инсонман, — дейди юз ёшни қаршилаган Холбек ота. — Уруш жаҳаннамидан тирик чиқиб, фарзандлар камолини, Ўзбекистон мустақиллигини, злу юрт ободлиғи ва фаровонлигини кўрдим. Айниқса, кейинги йилларда катта ўзгариларға қўл урган Президентимизнинг шахду шижоатидан мамнунман. Илоҳим, у инсон бошлаган хайрли ишлар бардавом бўлсин!

Жиззах воҳасидан Иккинчи жаҳон урушиға отлан мардларча халок бўлди. Жангу жадаллардан тирик қайтганлар эса узоқ йиллар она юрт ободлиғи, эл-улус фаровонлиғи йўлидаги халол меҳнати билан бошқаларға намуна бўлди.

Бугун фарзандларию ватандошларининг эътибори, эъзозиде бўлиб турган 17 нафар нурунин Президентимиз раҳнамолиғида кун сайин раванқ толиб бораётган Ўзбекистон эришаётган ютуқлардан завқланиб, шу бахтиёр юртда ғалабанинг 76 йиллиғи кенг қамровда нишонланаётганидан бошлари осмонға етмоқда.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятға келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди. Газетанинг полиграфик хиждатдан сифатли чоп этилишиға “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1489. 79242 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусаххў: Малоҳат Минғбоева

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:05 Тоширилди — 01:15